

Ҳалолдан келган барака



08:00 / 22.12.2020 3161

Бир дўстимга мева сотувчи бир воқеани айтиб берган экан. Ўша савдогар бир чақа ҳам зарар қилмай, яроқсиз меваларни сотар экан. У эскирган меваларни идиш тагига қўйиб яширар, устига эса янги меваларни қўйиб сотарди. Харидор келса, идиш устидаги янги меваларни кўриб, билмасдан тагидагиларни ҳам қўшиб олиб кетар экан. Савдогар эса ҳаммаси бир хил деб қасам ичар экан. Унинг бир шериги эса худди шу қинғир йўл билан помидор сотар экан. Бир куни бир харидор ўша кимсадан помидор олмоқчи бўлиб, мева сотувчига: «Бу помидорлар қанақа?» деб сўрабди. Сотувчи шеригини мақтаб, моли яхши, устидагиси билан тагидагиси бир хил дебди. Харидор келишилган пулни берибди-ю, идишни ағдариб юборибди. Помидорлар ерга тўкилиб, сотувчининг айби очилиб қолибди. Харидор уни шунақанги калтаклабдики, ўнг билан чапни ажрата олмай қолибди. Оғайнисининг алдагани ва яширганига яраша жазо олганини ўз кўзи билан кўрган мевафуруш ўйланиб қолибди. Бу иш бир харидорнинг калтаги эмас, балки одамларни алдаб, ҳаромдан пул топган кишига Аллоҳ томонидан берилган жазо эканини тушунибди. У шундай дебди: «Шу кундан бошлаб савдода Аллоҳдан қўрқишга ўзимга сўз бердим. Қўшнимнинг калтакланиши мен учун дарс бўлди, Аллоҳга қайтишимга сабаб бўлди. Энди айниган ва эскирган меваларни олиб ташлаб, фақат тозасини сотадиган бўлдим. Одамлар ҳам менга ишониб, кўпроқ мендан савдо қиладиган бўлишди. Шу ишимдан кейин ризқимга барака кира бошлагани сезилди. Олдинлари одамларни алдаб юрганымда топган пулим дўкон

харажатларини ҳам қопламас эди. Ҳозир эса бир ойда минг, ҳатто икки минг риёлгача соф фойда қоляпти. Бошқа савдогарлар ҳам бунга амал қилармикан деб ўйлаб қоламан. Текширув келсагина тарозидан урмай, алдамай савдо қилиб, бошқа пайт билганини қилиш нотўғри экан. Чунки ҳаммасини Аллоҳ таоло кўриб-билиб туради. Ошкора нарсаларни ҳам, яширин нарсаларни ҳам билади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан